

ШАРҚ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШДАГИ МЕТОД ВА ИНТЕРФЕРЕНЦИЯЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653331>

Тухтасинов И.М.

СамДЧТИ профессори,
педагогика фанлари доктори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола бугунги кунда оммолашиб бораётган шарқ тиллари яни корейс, хитой, япон ва араб тилларининг ўқитилиши борасидаги метод ва муаммолар юзасидан таҳлил олиб борилган ҳамда назарий ва амалай фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Шарқ тиллари, талаба, метод, муаммо, ўқитиш.

ABSTRACT

This article analyzes the methods and problems of teaching oriental languages, which are gaining popularity today, such as korean, chinese, japanese and arabic, and presents theoretical and practical ideas.

Keywords: Oriental languages, student, method, problem, teaching.

КИРИШ

Хукуматимиз томонидан хорижий тилларни ўргатиш ва ўрганиш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2020 йил 19 майда “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сонли қарорида ҳам аҳоли орасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш ва уларни мукамал ўзлаштириш учун зарур шароитлар яратиш, давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш услубиётларини яратиш ҳамда ушбу йўналишда мутахассисларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш, хорижий тилларни ўрганишни янада оммалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланган [1].

Самарқанд давлат чет тиллар институтида ҳам қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида кўплаб амалий ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда институтда 10 дан зиёд хорижий тиллар асосий ва кўшимча тил сифатида талабаларга ўқитилиб келинмоқда. Хусусан шарқ тилларидан корейс, хитой, япон, араб, турк ва форс

тиллари асосий ва қўшимча тиллар сифатида ўргатилмоқда. ПҚ-5117-сонли қарордан сўнг хорижий тилларни ўқитиш соҳасида «боғча-мактаб-олий таълим ташкилоти-корхона» тамойилидаги узлуксиз таълим занжирини жорий этиш мақсадида аҳолининг барча қатламларига мос бўлган тилни ўрганиш бўйича услубиёт ва тавсияларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш вазифасидан келиб чиқиб институт қошидаги академик лицейда барча шарқ тиллари ўқувчиларга ўргатилмоқда шунингдек, шарқ тилларига ихтисослашган мактабларни ташкил этиш бўйича ўз таклифларини билдирмоқдалар.

Тил оламнинг лисоний манзарасини шакллантиришда икки жараёнда бевосита иштирок этади: унинг негизида олам манзараси шаклланади; тилнинг ўзи оламнинг бошқа манзараларини изоҳлайди, улар махсус лексика ёрдамида тилга кириб келади ва унга ўзга маданият жиҳатларини ҳам олиб киради – деб таъкидлашади [2; 38-с.].

Тил туфайли инсон тафаккури бойийди, моддий дунёдаги нарса ва предметларни онги орқали идрок қилиш, улар устидан мулоҳаза юритиш, уларга оид фикрларни сўз билан ифодалаш имконига эга бўлади. Тил илк бошдан эътиборан ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайдиган хизматни, яъни инсон тафаккурида умумлаштирувчи вазифани бажариб келади [3;47-с].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда шарқ тилларини ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш имкониятлари чет тилни қандай ўрганиш ва ўргатиш керак деган саволга жавобни МЕТОД тушунчасини ойдинлаштириш йўли билан топишимиз мумкин.

Метод атамаси бир неча маъноларни англатади. Улар қуйидагилар:



Бугунги кунда шарқ тилини ўқитиш Ўзбекистонда замонавий тиллар сифатида ёшлар орасида кенг оммалашиб боришига қарамасдан бизнинг аудиториямизда бир нечта муаммолар мавжуд. Муаммо билан бир қаторда унинг тавсиявий ечимига ҳам тўхталиб ўтамиз (1.1-жавалга қаранг).

1.1-жадвал.

Шарқ тилини ўқитишдаги муаммолар

№	Аудиториядаги муаммолар	Аудиториядаги муаммолар ечимига тавсиялар
1.	Олий ўқув юртига қабул қилинаётган талабаларнинг шарқ тилларида билим даражаси тенг эмаслиги.	Корейс, хитой, япон, араб тилларини ўқитишда гуруҳ ичида кичик гуруҳлара ажратиб ўргатиш, яъни тилни яхши ўзлаштирган талаба билан ўзлаштира олмаётган талабани гуруҳлаштириш ҳамда ёнма-ён ўтқазиб мақсадга мувофиқ бўлади.
2.	Ўқув материалнинг етишмаслиги.	Ўзбекистонда Шарқшунос олимларга ва олимларнинг кўпроқ эътибор қаратиш керак бўлган муаммолардан бири бу материаллар ҳисобланади.
3.	Дарсликларнинг изчиллиги яхши эмаслиги.	Ўқув марказларида шарқ тилларини ўрганиб келган талабалар ОТМда ўтилаётган дарсликни ўтганлигини таъкидлашади. Институт ва университетларда дарсликларни мукаммалигини таъминлаш лозим
4.	Гуруҳда талабалар сонининг ошиб бориши.	Чет тилни ўқитишда битта аудиторияда 12 та талабадан ортиқ бўлса, ўрганиш самарадорлиги тушиб кетади. Бугунги кунда аудиторияда 16 талаба талабалар ўқимокда. Талабалар сони қанчалик кам бўлса, билим савияси шунча юқори бўлади.
5.	Лисоний муҳитнинг мавжуд эмаслиги.	Шарқ тилларини ўрганишнинг яна бир муҳим хусусияти лисоний муҳит мавжуд эмаслиги учун талабаларни

		бундай мухитни қидириши, тил соҳиблари билан алоқага чиқишга йўналтиришдан иборат. Аудиториядан ташқари талабалар билан мулоқот, туристик гуруҳлар таркибида ёки ёзги курсларда ўқиш учун қисқа муддатли сафарлар, аудиторияда олинган билимларни амалиётда мустаҳкамлашга янада чуқур ўрганишга рағбат бўлиши мумкин.
--	--	--

Ҳозирги пайтда айнан ўқитиш мазмунини танлаш ва аниқлашда энг кўп муаммо ва ҳал этилмаган қийинчиликларни кўришимиз мумкин. Бу эса бутун таълим жараёни натижадорлигининг пасайишига олиб келади.

Шарқ тилларига ўқитиш муаммолари ва уларнинг сифатини ошириш учун бир нечта мажбурий шартларга амал қилиш лозим:

Биринчидан, вазифани қўйишда (ҳар бир дарс ва машқлар мақсадини белгилашда), шарқ тилларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, «ўқишдаги бир қийинчилик» тамойилига оғишмай амал қилиш лозим. Бу шуни англатадики, ўқув материалнинг янги қисми аввал ўзлаштирилган материални ҳисобга олган ҳолда берилиши лозим ва ундан мантиқан келиб чиқиши керак (иероглифларнинг калитлари – чизиклар асосида; иероглифлар – калитлар асосида; икки бўғинли сўзлар – бир бўғинли сўзлар асосида ва ҳ.к.). Шундагина материалнинг ўхшашлиги, аналогияси бўйича, ассоциациялар асосида ўзлаштирилишини таъминлаш мумкин, бу эса шарқ тилларига ўргатишда катта аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, машғулотнинг мақсади – янги грамматик кўникмани шакллантириш бўлса, унда ушбу мақсадга эришишга хизмат қиладиган бутун лексика талаба томонидан аввалроқ ўзлаштирилган бўлиши керак (янги грамматик тузилманинг таркибий қисми бўлган лексик бирликлар, айниқса, ёрдамчи сўзлар бундан мустасно).

Иккинчидан, ўқитишнинг ҳар бир босқичида, ҳар бир блокда (дарсда) талаба ўз масъулияти ҳажмини аниқ тасаввур қилиши керак, бу масъулият лексик бирликлар ва грамматик қоидаларда сифат жиҳатдан, шунингдек, коммуникатив интенцияларни тўғри тушуниш борасида шаклланган кўникмалар ва малакаларда ифодаланган бўлиши лозим. Бир сўз билан

айтганда, талаба ҳар бир дарс жараёнида нимани ўрганиши кераклигини аниқ билиши лозим (билим, кўникма, малакалар).

Учинчидан, дарслик талабага ўзини назорат қилиш, ўқитувчига эса – берилган вазифанинг бажарилиши натижасини назорат қилиш ва баҳолаш имкониятини таъминлаши лозим.

Ҳар қандай предметга ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш унинг, яъни таълим жараёнининг асосий таркибий қисмларини белгилашни назарда тутати. Таълим мақсади, унинг мазмуни, усул ва услублари, шунингдек, ўқитиш воситалари шулар жумласидан. Санаб ўтилган барча таркибий қисмлар ўзаро чамбарчас боғлиқлигига қарамай, уларнинг мазмунини аниқлашни айнан шундай кетма-кетликда амалга ошириш зарур. Буларнинг барчаси ўқитишнинг асосий мақсадини аниқлашдан бошланади. Шарқ тиллари (ва бошқа ҳар қандай тил)га нисбатан бундай мақсадлардан учтасини ажратиш мумкин.

1. Тилни профессионал фаолият объекти сифатида ўқитиш (шартли равишда академик ёки филологик деб номлаш мумкин).

2. Чет тилни бошқа (нолингвистик) вазифаларни ҳал қилиш воситаси сифатида ўқитиш (шартли равишда амалий деб номлаш мумкин).

3. Чет тилни непрофессионал коммуникация воситаси сифатида ўқитиш (амалий ёки маиший деб номлаш мумкин).

Бу рўйхатнинг юқорисида турган ҳар бир мақсад пастда турган мақсадларни ўз ичига олиши мумкин, лекин аксинча эмас. Таълимни ташкил этишда буни назарда тутиш зарур [5; 192-с.].

Шарқ тилларини академик (филологик) даражада ўқитиш таълимнинг энг сермазмун ва масъулиятли шакли ҳисобланади. Бундай ўқитиш назарий билимларнинг анча катта ҳажмини эгаллаш ва улар негизида (ҳам умумий нутқий, ҳам махсус, муайян касб фаолияти – тадқиқотчилик ёки амалий фаолиятни бажаришга йўналтирилган) лисоний кўникма ва малакаларни шакллантиришни назарда тутати. Шу қадар кўп қиррали ва катта ҳажмли мақсадга эришишнинг тегишли усуллари ишлаб чиқилган. Усуллар эса, ўз навбатида, таълимнинг тегишли мазмуни негизида белгиланади ва ишлаб чиқиладики, уларнинг моддий кўриниши ўқув материалларидан иборат бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда шарқ тилларини ўқитиш ва ташкил этилиши жиҳатидан энг масъулиятли ва мураккаб жараён бўлиб, унинг давомида ўқитилаётган шахсларда тилнинг асосий жиҳатлари – фонетика, лексика, грамматика бўйича базавий кўникма ва малакалар, шунингдек, муайян

даражадаги нуткий қобилиятлар шаклланади. Шарқ тилларини бошланғич босқичда муваффақиятли ўқитиш учун, кейинги босқичларда ҳам, жараённинг ҳар иккала томони (ўқитувчи ва талабалар томонидан) улар олдида турган аниқ вазифаларнинг тушунилиши жуда муҳим. Бунда ўзаро англашувни фақат талаба муайян вақт мобайнида эгаллаши зарур бўлган билимларни, лексик ва грамматик минимумлар, кўникма ва малакаларни пухта эгаллаб олиш (уларнинг номенклатурасини аниқлаш) йўли билангина таъминлаш мумкин. Буларнинг барчаси – шарқ тилларини ўқитиш мазмуни компонентлари деб ҳисоблаш мумкин. Демак, шарқ тилларини ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари ўқитувчи фойдаланган усул ва методларнинг ўзига хослигини белгилайди. Аудитория соатларининг нисбатан кам сони, кўп қирралиликнинг бўлмаслиги, лисоний амалиёт учун имкониятларнинг чекланганлиги аудиториядаги машғулотларни пухта ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этилишини, талабалар мустақил ишлашлари учун аниқ кўрсатмалар ва унинг устидан қатъий назоратни талаб қилади. Бундай таълимни ташкил этишда шарқ тилларига ўқитиш мақсадларини ва уларга мос таълим босқичларини ҳам белгилаб олиш муҳим. Ўқитишнинг давомийлигидан қатъи назар, уни бошланғич, ўрта ва якуний босқичларга олиб чиқиш энг мақбул ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 20 майдаги ПҚ-5117-сон қарори.
2. Ахророва Р., Шокирова М. О языковой картине мира // Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларнинг муаммолари: Илм.-амал. семинар матер. – Т.: 2013. – Б. 37-39.
3. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 192 б.
4. Жалолов Ж. Чет тилни ўқитиш методикаси. Ўқитувчи нашрети-матбаа ижодий уйи. Т- 2012. – 431 б.
5. Мигненко М.А. Формирование лингвокультурологической компетенции в процессе профессиональной подготовки иностранных военнослужащих: Дис. ... канд. пед. наук. – Тольятти.: 2004. – 209 с.